XALQ DEPUTATLARI MIRISHKOR TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 йил «1» май 2-4-63-К/21 Миришкор туман ҳокимияти

Миришкор туманидаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинини бўлиш ва янгидан ташкил топган маҳалла фуқаролар йиғинига ном бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 48-сонли қарори ва Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил 10 мартдаги йиғилиш баёни ва Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 6 февралдаги Б-09-сонли йиғилиш баёни топшириқларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Миришкор туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил 10 мартдаги йиғилиш баёни ва Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 6 февралдаги Б-09-сонли йиғилиш баёни маълумот

учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги “Чаманзор” маҳалла фуқаролар йиғини негизида янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинига “Қурама”, “Айзабод” маҳалла фуқаролар йиғини негизида янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинига “Балуж” номлари берилсин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Б.Ибрагимов) га туман қурилиш бўлими (К.Худойбердиев), туман “Ермулккадастр” бўлими (А.Қоҳҳоров), туман ДСИ (А.Сариқов), туман статистика бўлими (А.Боймирзаев), туман молия бўлими (А.Шукуров), туман давлат хизматлари маркази (А.Жабборов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини номи, чегаралари, аҳоли ва хонадонлар сонини давлат рўйхатидан ўтказиш, электрон базани шакллантириш, молиялаштириш ва бино билан таъминлаш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Миришкор туманида янги ташкил этилган маҳалла фуқаролари йиғинига янги ном берилиши муносабати билан аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини ўтказиш тавсия этилсин.

5. Туман ички ишлар бўлими (М.Бўриев) номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин ҳамда “Қурама” ва “Балуж” маҳалла фуқаролар йиғинларига айланма муҳр ва тамғасини тайёрлашга рухсат берилсин.

6. Туман қурилиш бўлими (К.Худойбердиев)га ҳудудларда янги номланган ва номлари ўзгартирилган маҳаллаларнинг янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Ч.Санаев**